



ТОШКЕНТ

Ҳақсевар, онв юрт, мангу бўл вбод!

ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2003 йил 15 октябрь, чоршанба

№84 (11.575)

Эркин нархда сотилади

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»:

ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИ

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган тўққиз ой мобайнида 366,1 минг тонна пўлат эритилди. Истеъмолчиларга 344,3 минг тонна металл прокати етказиб берилди. Экспорт ҳажми икки баравар ошиб, хорижий ҳамкорларга 31,8 миллион АҚШ доллари тенг маҳсулот етказиб берилди.

Қора ва рангли металллар парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашга топиришни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссия-

сининг Бекободда ўтган навбатдаги йиғилишида металлургия қўлга киритаётган ютуқлар алоҳида қайд этилди.

Йиғилишни Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Корхонанинг бир маромда ишлаши четдан тайёр металл прокати келтиришни қисқартирмоқда. Мамаклатимизда бунёд этилаётган иншоотларда ўзимизда тайёрланган қурилиш амуратуралари ишлатилмоқда. Бу қурилиш суръатини бир неча баравар ошириш имконини берапти. Тоғкон саноти майдалаш тегири-

тайёрланган турли ҳажмдаги пўлат золдирлардан кенг фойдаланилаётди. Айни пайтда Бекобод металлургия янги маҳсулот турларини, жумладан, монтаж амуратураси ва пўлат лист ишлаб чиқаришга тайёрларлик кўрмоқда.

Бекобод металлургия ўз ҳамкорларидан йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 470,4 минг тонна хомашё қабул қилиб олди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Андижон, Хоразм, Жиззах, Фарғо-

на, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида металл парчалари тўплаш ва қайта ишлашга топириш бўйича белгиланган режалар ортиги билан бажарилди. Айни пайтда корхонани хомашё билан таъминлаш юзасидан мавжуд имкониятлар айрим жойларда тўла ишга солилмаётгани танқид қилинди.

Йиғилишда корхонанинг сўнги чорада металл хомашёси етказиб бериш ҳажми ва ҳадвали тасдиқланди, белгиланган вазифалар юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзақул широк эъти.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

2003 йил ҳосили пахта хом ашёсини сақлашни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, фермерлар, пудратчилар ва теримчилар томонидан терилган пахта хом ашёсини қабул пунктларига ўз вақтида топширмаслик, пахтанинг мослаштирилмаган жойларда сақлашни, пахта майдонларининг пайҳон қилиниши натижасида кўлаб ҳосилининг йўқотилишига йўл қўйилмоқда.

Пахта хом ашёсини ўғирлаш ва талон-тарож қилиш ҳолларининг тез-тез учраётганлиги, уни республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетишга уринишлар жиддий зарар келтирмоқда. Йиғиб олинган пахта хом ашёси ҳосилининг, кейинчалик уни республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш ва сотиш мақсадида хусусий уйларда ва ҳовлиларда яшириш ҳоллари ушбу қонун бузилишларини келтириб чиқараётган сабаблардан биридир.

Фақат биргина ҳолатда Сирдарё туманида яшовчи фуқаролардан бирининг хусусий уйидан 2,2 тонна пахта хом ашёси топишган. Ана шундай ҳоллар Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида, Наманган вилоятининг Учкўрғон туманида ва республиканинг бошқа минтакаларида ҳам аниқланган.

Вужудга келган аҳвол айрим хўжалик раҳбарлари томонидан назоратнинг бўшаштириб юборилганлиги, уларнинг ҳосилини сақлаш муаммоларидан ўзини четга олаётганлиги, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари томонидан уларга нисбатан талабчанликнинг пастлиги оқибатидир.

Пахта хом ашёсини йиғиб-териб олиш, ташиш ва сақлаш вақтида унинг сақланишини таъминлаш, пахтачилик хўжалиқлари раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Қўйидагиларга:

Жиззах (У.Яманқуллов), Сирдарё (Т.Жаббаров), Сирдарё (Р.Хайдаров), Тошкент (У.Мирзақуллов) ва Фарғона (А.Отабеков) вилоятлари ҳокимларига, қўшни давлатларга чегарадош туманлар ҳокимларига пахта хом ашёсининг ўғирланиши, талон-тарож қилиниши ва республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва туманлар ҳокимларига, қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига пахта хом ашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслиги қўрсатиб ўтилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари уларнинг пахта хом ашёсининг ўғирланиши, талон-тарож қилиниши ва республика ташқарисига ноқонуний олиб чиқиб кетилиши ҳолларининг ўз вақтида олдини олиш бўйича ишларнинг аҳоли учун шахсан жавоб бериши тўғрисида оғохлантирилсинлар.

2. Терилган пахта хом ашёсининг қабул пунктларига ҳар кун топирилиши шарт бўлган тартиб белгилансин.

Пахтачилик хўжалиқлари ва қабул пунктлари раҳбарлари пахта хом ашёсининг тўққиз ой мобайнида топширилиши ва унинг зарур даражада сақланиши учун шарт-шароитларни таъминласинлар.

Терилган пахта хом ашёсининг ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган жойларда, шу жумладан хонадонларда ва томорқа участкаларида сақланиши тақиқлансин.

Терилган хом ашёнинг қабул пунктларига ўз вақтида топширилмаганлиги, пахта ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб бермайдиган, шу жумладан хонадонларда ва томорқа участкаларида сақланганлиги учун фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорига, мансабдор шахсларга эса – етти баравари миқдорига жазима солинадиган. Қўнун бузилиши тақдорланган тақдирда фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари, мансабдор шахсларга эса – ўн баравари миқдорига жазима солинадиган. Жазима солиш мазкур ҳолатлар содир этилган жойдаги ички ишлар органлари то-

монидан маъмурий жазолар тартибиде амалга ошириладиган.

Пахта хом ашёсини ўғирлаш ва талон-тарож қилиш, уни республика ташқарисига олиб чиқиб кетиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахслар қўнун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, шу жумладан жиноий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) терилган пахтанинг сақланишини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўрсин, профилактика ишларини фаоллаштирсин ва қўнунни бузувчиларга нисбатан амалдаги қўнун ҳужжатларига қатъий мувофиқ равишда қаттиқ чоралар кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) пахта хом ашёсининг сақланишини таъминлашга қаратилган қўнун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни кучайтирсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, жамоат тузилмаларини ва оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда, пахтанинг талон-тарож қилинишига қарши кураш бўйича, шу жумладан ушбу соҳадаги ҳуқуқни муҳофаза амалиётини ёритиш йўли билан олдини олиш ва профилактика ишларини фаол амалга оширсин.

«Ўзтелерадио» компанияси (А.Қўчматов), Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги (М.Хазратқуллов), оммавий ахборот воситалари ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларнинг мунтазам ёритилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.Полвон-зода) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қўнун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида тақлифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков ва Т.Ҳудайбергенов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 13 октябрь.

Пахта-2003

Вилоятимиз пахтазорларида йиғим-терим суръати кун сайин кучайтирилмоқда. Чиноз, Янгийўл, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ туманлари пахтазорлари кунига йиллик режага нисбатан 4-5 фоиз миқдорида хом ашё тайёрлаб, бошқаларга ўртак бўлмоқдалар.

Ўтган кунги вилоят бўйича қабул пунктларига йиллик режанинг 3,65

фоизи миқдорида ҳосил топирилди. Умумий тайёрланган пахта эса, 82369 тоннага етди. Бу йиллик режага нисбатан 29,95 фоизга тенгдир.

Бугунги кунгача вилоятда битта ширкат ва 70 дан зиёд фермер хўжалиги, 400 га яқин оилавий пудратчи пахта тайёрлаш шартнома режасини бажарди.



«ЭШОНОБОД» ЯНА БИРИНЧИ

Чиноз туманидаги ушбу ширкат хўжалиги пахта тайёрлаш режасини 17 иш кунинда бажарди

Пахта йиғим-терим мавсуми бошланиши олдида туман ҳокимлигида бўлиб ўтган фуоллар йиғилишида «Эшонобод» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Кенбой Қўқузов «Бизнинг хўжалик пахта тайёрлаш режасини 15 октябрда қалдар бажаради», деганда ҳамма қарсак чалганди. Сирасини айтганда, бу олқишлар бежиз эмас эди. Чунки, хўжалик бир неча йиллардан буюн пахта етиштириш шартнома режасини биринчилар қатори барвақт удалаб келмоқда.

Баъзилар «режани биринчи бўлиб удалаш нима-ю, эл қатори бажариш нима, барибир эмасми» деб ўйлайдилар. Аслида, фарқ жуда катта. Ҳосил эрта йиғиштириб олинса, юқори навларга ўтади. Йиғим-терим қўзилиб, ёнғин-сочинли кунларга қолса, нав пасайиб, даромаднинг қўғи уади. Иккинчидан, терим эрта тугаса, қузғи-қушқи тадбирлар барвақт бажарилади. Ҳуллас, иш қанча тез битса, шунча яхши.

Бир вақтлар ўртамеёна, аниқроғи, рўйхатнинг охирида юрадиган «Эшонобод»нинг илгор хўжаликлар сафидан мустаҳкам ўрин олаётганининг ўзига яраша омилини бор. Хўжалик бошқарувининг ишчи ташкиллаштиришдаги собитқадамлиги, техника таъминотидаги камчиликларга барҳам берилиши, энг муҳими эса, пудратчиларнинг моддий манфаатдорлиги таъминланганлиги ютуқлар гарови бўлмоқда.

Бу йил эшонободликлар 410 гектар майдонда пахта-нинг «С-6524» нави чигитини қадаган эдилар. Баҳорги ёнғингарчиликлар сабабли 120 гектар майдон ўнинчи майда бўзиб экилган бўлса-да, пахта етиштириш режаси 17 иш кунинда удаланди. Қабул пунктга 1040 тоннадан зиёд

юқори сифатли хом ашё етказиб берилди. Хўжаликнинг Мавлон Ашрафиев, Ўринбой Абдуллаҳодов бошқараётган оилавий пудратчилари ҳосилдорлиқни биринчи теримнинг ўзида 31-33 центнерга етказишга муваффақ бўлдилар.

Ҳозир хўжалик ҳудудини айлансангиз, кўча ёки маҳаллаларда бирорта бекорчи қишга қўзғингиз тушмайди. Ҳамма пахтазорда. Чунки, қўл терими иштирокчиларининг меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Масалан, қўл теримида энг юқори натижаларга эришаётган Абен Бейжигитов, Зауре Мамаева, Паризод Бегеноваларнинг оилалари ҳар беш кунда 30-45 минг сўмдан нақд

пул олмақдалар.

Хўжалик мутахассислари ҳисоб-китоб ишларини ҳам пухта олиб боришади. Масалан, улар бу йилги пахтачилик хўжаликка қанча даромад келтиришини ҳозирданок аниқ билишади. Давлатга сотилган 1040 тонна пахта учун 228 миллион сўм пул тушиши маълум бўлди. Бунинг устига хўжалик 500 тонна атрофда урулгич ҳам тайёрлаб қўйган. Шунинг ўзидан яна 27 миллион сўм атрофидан 200 тонна пахта сотилса, тармоқдан келадиган умумий даромад салкам 300 миллион сўмга етиб қолади. Хўжалик бош иқтисодчиси Эрназар Саидхўжаевнинг айтиши-

ча, бу йил пахтачилик соҳасидаги рентабеллилик 28 фоизга етши мумкин.

Хўжаликда йиғим-терим ҳамон қизғин давом этмоқда. Чунки, далаларда ҳали ҳосил йўл. Ҳатто, қўл тегма-лик 30 гектар майдон бор. Бинобарин, эшонободликларнинг давлатга яна қандай 200 тонна пахта хом ашёси етказиб беришлари шубҳасиз.

Орзуқул МАЪМУРОВ,
Рустам КАМОЛОВ.

СУРАТДА: (чапдан) пудратчи Ўринбой Абдуллаҳодов, илгор теримчи Санам Бўриева ва пудратчи Қўш Мамбетов.

Пўлат РАҲИМОВ олган сурат.

ГЕНДЕРДА АЁЛЛАР МУАММОЛАРИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Чирчиқ шаҳар ҳокимлигида «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг аёлларга бўлган ўзривонлиққа нисбатан Гендер ҳиссиётини ошириш» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро «ЮНИФЕМ» ташкилоти ҳомийлигида республика миқёсида ўтаётган бундай семинарларда «Гендер» тушунчасининг мазмун-моҳияти, ундан қўзланган мақсад ва вазифалар атрофлича муҳокама этилмоқда.

Шу кунгача бундай семинарлар вилоятимизнинг бир неча шаҳар ва туманларида ўтказилди.

Авалло, Гендер ҳақида. Аслида лугавий маъноси ҳазил, киноя, кесатик маъноларини англатувчи ушбу сўз кейинчалик ижтимоий муаммоларни ўзида акс эттирувчи тушунча сифатида намоён бўла бошлади. Вақт ўтиши билан эса, хотин-қизлар муаммоларини ўз ичига олди ва ҳар бир масалани ҳал этиш йўллари ҳам кўрсата билди.

Эндиликда аёлларнинг ҳуқуқий тенгсизлиги, уларга нисбатан ўзривонлик ва аёлларни ҳимоялаш Гендернинг асосий масалаларидан бири бўлиб қолди.

Чирчиқда бўлиб ўтган семинарда ҳам бугунги кунда аёлларга нисбатан ижтимоий ўзривонлик, унинг сабаб ва оқибатлари ҳусусида атрофлича фикр юритилди. Яъни, аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларни ижтимоий ҳаёти, бола тарбияси, уй-рўзгор ишлари билан банд қилиб қўйиш каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Семинар амалий машғулотлар тарзида ўтказилди. Икки кун давом этган семинар-тренингда шаҳар ташкилот ва муассасалари вакиллари, маҳаллалар хотин-қизлар қўмиталари раисалари иштирок этдилар.

Раеша ЕҲУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Таълим ва ислоҳот

КОЛЛЕЖЛАР ЗАМОНАВИЙ

Лекин, уларда ёшларга замонавий билим ва тарбия бера олаяпмизми?

Мустақилликнинг шак даражиданок, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистонда кенг қамровли ислоҳотлар ўтказиш йўли танланди. Бу йорада, таълим тизимини ислоҳ қилиш мақсадида 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида» Қонун ҳамда Қадрлар тайёшлаш миллий дастури муҳим аҳамият касб этди. Соҳада жаҳон андозаларига мос замонавий педагогик технологияларни Ўзбекистон таълим тизимига жорий этиш даври бошланди. Бунинг ичидики сифатида лўғатимизда коллеж, тест, рейтинг каби ўнлаб янги сўзлар пайдо бўлиб, турмушда интернет, компьютер сингари замонавий воситалардан фойдаланиш имконига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Мулоҳаза

РАҲБАР БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритиб, халқимиз орзусидаги адолатли жамият қуриш сари юз тутди. Эндиги вазифамиз — даврнинг синовларидан муваффақиятли ўтиб, олғи мақсадимизга эришиш, ушбу заминда яшовчи барча инсонларга муносиб бўлган, шахснинг интеллектуал салоҳиятини, қизиқишларини, орзу-истакларини рўйбега чиқариш учун лозим барча шароитларни яратиб беришдан иборат. Зеро, ҳар бир инсон дунёга келар экан, яхши яшашга, мазмунли умр кечиришга, бахтли бўлишга ҳақлидир.

Тарихнинг зиддиятчи, кескин бўрилиш давлари ушбу зиддиятларнинг моҳиятини англаб етган ва уларни бартараф этишга ўзида куч, ғайрат, масъулият ҳиссини туйган инсонларни етиштириб чиқаради. Бу шахслар олмага етакчилик қилиб, уларни ўз ортларидан эргаштириш салоҳиятига эга бўладилар.

(Давоми 2-бетда).

Жиноятга жазо муқаррар

ПАХТАФУРУШЛАР

ҳар қанча уринмасинлар, барибир сергак назоратчилардан қочиб қутулолмайдилар, қонун олдида жавоб берадилар

Вилоятимиз пахтазорларида йиғим-терим ишлари қизғин бормоқда. Икки юз мингга яқин маҳаллий аҳоли ва четдан келган қўнғилчи ҳаширчилар қўл теримда фаол иштирок этмоқдалар. 230 дан зиёд терим машиналари, шу жумладан, 200 га яқин «Кейс» комбайнлари юксак унум билан ишламоқда. Мавжуд барча ички куч ва имкониятлар теримга сафарбар этилган. Мақсад — катта меҳнат эвазига етиштирилган мўл пахта ҳосилини ёнғин-сочинли кунларга қолдирмай, йиғиб-териб олишдир.

(Давоми 3-бетда).

ЙИГИН «РОВАТАК»ДА БЎЛДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ташаббуси билан тузилган тарғибот-ташвиқот гуруҳи шу кунларда йиғим-теримда иштирок этаётган ёшлар ҳузурда турли тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўртачирчиқ туманидаги «Роватак» ширкат хўжалигида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон те-

левидениеси ижодкорлари, «Туркистон» газетаси хонимлари, санъаткорлар, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этишди. Тадбир

давомида «Зарбдор» ёшлар гуруҳи аъзолари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Йиғим-теримда қатнашаётган ёшларнинг кўнгилларини кўтариш мақсадида ташкил этилган мазкур йиғин дилрабо куй-қўшиқлар билан ўз ниҳоясига етди.

А. КАРИМОВ.

ЯНГИСИ ИШГА ТУШДИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли 14-рельсларни пайвондаши корхонаси Франциядан келтирилган янги технология асосида ишлаб боради.

— Мазкур янги линияда ишлаш анча енгил ва қулай, бошқариш тизими тўлиқ компьютерлаштирилган, — дейди пайвондаш цехи бошлиғи Аслиддин Саримсоқов. — Ўзтиборлиси, иш сифатли, тез ва аниқ бажарилади.

Ў.А.

ЎКСИМАСИН ҚАЛБИНГИЗ ҲЕЧ ҲАМ

Қибрайдаги болалар оромгоҳида ногирон болаларга бағишланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Ногиронлар жамияти, «Ёшлик» ва «Дархан» маҳаллалари ташаббуси билан ўтказилди. Унда «Ёшлик» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси, маҳалла раислари, фаоллари ва маҳалла вакиллари иштирок этдилар. Хайрия кечасида бо-

лалар ўз қўллари билан ясаган турли хил ўйинчоқлар кўргазмаси ҳам уюштирилди. Тадбир сўнгисида болаларга хомийлар томонидан совғалар тўхфа қилинди.

Гузэл СОЛИЖОНОВА.

ОЛИМЛАР ҲИССАСИ

Тошкент темир йўл транспорт муҳандислари институтининг «Машиналарни конструкциялаш асослари» кафедраси олимлари изланишлари натижасида қудратли экскаваторлар иш унумини оширишда дахлдор қатор техникавий янгиликлар юзасига келди. Чунинчи, «ЭКГ-4.6», «ЭКГ-6», «ЭКГ-8» русумли экскаваторлар чўчиш тишларини эритиб қўйиш бўйича улар кашф қилган усул ҳам ижобий самара берди.

Бундай ўта мустаҳкам тишли экскаваторлар Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ҳамда Ангрен кўмири разрезидида тажриба-намуна синовидан яхши ўтди, амалиётга таътиб қилинди. Шу янгилик туфайли йилга 10 миллион сўмлик иқтисодий фойда қўрилади.

Ақбар АЛИЕВ.

ГУЗАР БУНЁД ЭТИЛАДИ

Оққўрғон туманидаги Собир Раҳимов номида маҳаллада янги гузар қурилиши боради. Бу ерда маҳалла фуқаролар йиғинидан тортиб, маҳаллий хизмат ўчи, савдо дўкони, тикувчилик цехи, маҳалла чойхонаси, тўйхона бунёд этиш режалаштирилган. Бунинг учун 2 септар ер ажратилди.

Ушбу катта мажмуа қурилишининг ҳомиёси тадбиркор Толибхон Ўташовдир. Хозирнинг ўзида бу ерда 2 миллион 700 минг сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Янги гузар мустақиллигининг 13 йиллиги кунинда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Мулоҳаза

Бундай улуг инсонлар ҳар бир даврда бўлган ва ҳалқлар тарафидан тан олинган. Уларнинг номлари асрлар оша бокий келмоқда.

Мамлакатимизда буюк келажикни барпо этиш учун мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Бу эса ўз навбатида раҳбарлик қилишининг замон талабларига мос бўлган усулларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш заруритини келтириб чиқарди.

Ҳар бир даврда раҳбарнинг масъулияти, ўрни, ижрочилиқ маҳорати катта аҳамиятга эга. Ташкилий, иқтисодий ишлаб чиқариш вазифаларини амалга оширишда унинг билими, тафаккур даражаси, бошқариш усули муҳим ўрин тутди.

Раҳбарнинг ишбилармонлиқ қобилияти, муайян масала юзасидан ўз қарашлари, зарур пайтда масъулиятни ўз зиммасига ола билиши жамоа, корхона тараққиёти учун муҳим омилдир.

Республикамизда ана шундай сифатларга эга жонқуяр раҳбарлар жуда кўп. Уларни қўлга киритиладиган барча муваффақиятларнинг сабабчилари деб билимиз. Турли соҳалар бўйича ислотхотлар муваффақиятли амалга оширилиши ана шу раҳбарларнинг фаолиятига боғлиқ.

Маълумки, бошқаришининг амалиётда тан олинган турли услублари мавжуд — ав-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Таълим ва ислоҳот

Айни вақтда олиб борилган ислохотлар самараси сифатида вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида 70 га яқин академик лицей ва коллежлар фаолият кўрсатмоқда. Ўзтиборлиси, улардан 28 таси янгида қурилиб, замон талаблари асосида жиҳозланди. Жорий ўқув йилида тизим илм даргоҳларида 50 мингга яқин ўғил-қизлар юздан ортиқ ихтисос бўйича касб-хунар сирларини ўрганишмоқда. Ўқитиш самарадорлигини ошириш мақсадида кейинги йилларда 30 нафардан ортиқ мураббий хориж давлатларида тажриба ўрганиб қайтди. 2002-2003 ўқув йилида касб-хунар коллежларида ўқишни тугатган 12 минг 617 нафар битирувчидан 10 минг 72 нафари ўз ихтисослиги бўйича ишламоқда.

Хуллас, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам қувонишга арзигулик самаралар бера бошлади. Эндиги вазифа — сифат ва натижага етарлича аҳамият қаратиш, ўқув масканларида жаҳон талабларига мос мутахассислар тайёрлашдан ибрат. Касб-хунар коллежлари ташкил этилгани ва янгида бунёд этилиши халқимизнинг азалий орзулари рўйбидир. Бироқ нуфузни орттириш қанчалар заҳматли бўлса, уни қўлда тутиб қолиш ундан кам меҳнат талаб қилмайди. Айни кезларда кўпчиликни билим масканларида сифат босқичи қандай амалга оширилмоқда, тизимда малакали мутахассислар тайёрлашда қандай янги ўқитиш услублари, шу жумладан, ноанъанавий усуллардан фойдаланилмоқда, деган савол кизиктирарди. Ҳақиқатан ҳам булар вилоят касб-хунар коллежларида қай тарзда амалга оширилмоқда?

Масалан, Қибрай қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи 1962 йилда иш бошлаган ХТБЮ базасида ташкил этилган бўлиб, 2001 йилда коллеж мақомига эга бўлган, ҳозирда ҳам уни кенгайтириш мақсадида қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. У 750 ўқувчига мўлжалланган. Коллеж ўқув базаси мустаҳкам бўлиб, илгор ахборот технологияларида ҳам унумли фойдаланишга эришилмоқда. Ўқувчилар таълим жараёнида компьютер ва интернет тармоғидан фойдаланиш имконига эга. Коллежда ўғил-қизлар ўқув жараёнида олган билимларини амалиётга таътиб қўйишлари учун ҳам зарур шароитлар яратилган. Шу мақсадда Қибрай МТП ва «Тошкент» ширкат хўжалиги билан мунтазам алоқа ўрнатилган. Бўлажақ мутахассислар у ерда чорвачилик, деҳқончилик ва аса-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ларичилик касблари сир-асрорлари билан танишадилар. Коллежнинг 16 гектарлик ўз тажриба хўжалиги, 30 кутидан ошқ асаларилари бўлиб, улардан самарали фойдаланиш натижасида ўқув маскани моддий-техника базаси янада мустаҳкамланмоқда.

Коллежда Германия техник ҳамкорлиги лойиҳасидан сама-

киритилаётган натижалар мақтанидиган эмас. Агар вилоятимизда энг эътиборга молик коллежлардан бири бўлган Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежиди ўқувчиларнинг иқтидорларини янада юзасига чиқаришда муҳим омил вазифасини ўтовчи спортга берилаётган эътибор шу савияда бўлса, 2005 йилда Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтадиган

КОЛЛЕЖЛАР ЗАМОНАВИЙ

Лекин, уларда ёшларга замонавий билим ва тарбия бера олаётимизми?

рали фойдаланиб келинмоқда. Шу мақсадда уч нафар ўқитувчи Германияда малака ошириб, 6 нафар ўқитувчи коллежнинг ўзидида ўқитилди. Механика бўлими ўқувчилари эса етарлича шароитга эга бўлган моддий-техника базасида амалий машғулотлар ўтказишмоқда.

Шуларга қарамадан мазкур касб-хунар коллежидида барча ишлар жойида экан-да, деган хулосага келмаслик керак. Сабаби, илм маскани мутасаддилари гарчи давомат 94 фоизни ташкил этади дейишганига қарамай, ўқув машғулотларини қолдириш ҳолатлари (ўқув йили бошланганига бир ой бўлганига қарамай) қўллаб учраб турибди. Ўқувчилар дараддан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари таъминлаш мақсадида изчил, самарали тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланки, ўқувчининг ўтаётган умрига ўқитувчи ҳам ўзида маълум маънода масъулият ҳис этиши лозим. Коллеж кўпчилик эга бўлмаган кутубхона ва ўқув залига эга бўлса-да, ўқувчилар билан кўнгилдагидек алоқа ўрнатилмаган. Ўқувчилар маънавий етуқилиғини таъминлаш мақсадида коллежда олиб борилаётган ишларни ҳам етарли деб баҳолаб бўлмайди. Унинг савияси қай даражада эканлигини ўқувчилар «Дарақчи» ва «Эрудит» газеталаридан ташқари нашрлар ва янги номдаги китобларни ўқимаслиги-ю, коллежда келажак авлод маънавий камолотига мутасаддиларнинг ҳалигача ўқув йили ўз ушбу тадбирлар режасини белгилаб олмаганидан ҳам билиши мумкин. Гарчи, коллежда ўқувчилар спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар мавжудлигига қарамай, қўлга

«Баркамол авлод» республика ўйинларида ҳам вакилларимиз Андижондаги (умумжамоа ҳисобида иккинчи ўрин) натижалари тасдиқлаб олишармикан, деган савол туғилиши табиий. Қолаверса, берилаётган юксак эътиборнинг пировард мақсади — XXI асрда ёшларни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашга қаратилган.

Бўка агросервис касб-хунар коллежига қадам ранжида қилинса, бошқача манзара намойи бўлади. У собиқ 13-касб-хунар билим юрти негизидида қайта тасмирилган ва 1999 йилда коллеж мақомига эга бўлиб, иш бошлаган. Шундай йўл бўйида жойлашган, 1000 дан зиёд ўқувчи таълим олади-ган коллежнинг бинолари, афсуски, жамоадагиларнинг сўнгги йилларда зўр бериб, баҳоли қудрат таъмирдан чиқаришга уринишига қарамай, тўқилай деб турибди. Барча соҳадаги муаммоларни ҳал этишда коллеж ўз ҳолига ташлаб қўйилган десак янглишмаймиз. Мазкур масканда қишлоқ хўжалиги машиналарига ҳамда автомобиль ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, автомобилларда ташвиш ва автомобиль ҳаракатини бошқариш, ҳуқуқшунослик ва бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқшунос-иқтисодчи, экология ва агро-муҳитини муҳофаза этиш бўлимларида ёшларга баҳоли қудрат таълим бериш жараёни олиб боришмоқда. Афсуски бу ерда ушбу мавзуларда амалий машғулотларни ўтказиш учун лозим бўладиган қўллаб воситалар етишмайди. Билим юрти ҳудудининг марказида ахлат ёқилдиган улкан қучур борки,

унинг зарарини на мутасаддилар, на туман мутахассислари ва на бўлғуси ёш экологлар хозиргача эътиборга олишмаган. Бундан ташқари, коллежда сув муаммоси ҳам мавжуд бўлиб, усиз санитария-гигиена ҳақида бош қотириб ўтириш орттиқча.

Коллеждаги ётоқхона биносидида яшаш учун шароит деярли йўқ. Санокли ўқувчиларгина узоқдан келганлиги туфайли, мажбурий равишда бу ерда яшамокда. Аёзли кунлар яқинлашмоқда. Эртага ўқувчилар ҳоли нима кечилини хозирча билишмайди.

Ваҳоланки, улардаги камчиликларнинг кўпини ўз кучидан фойдаланиб, давлатдан маблағ қўтиб ўтиравермай, ички имкониятларини ишга солиб, ҳеч бўлмаганда ҳашар йўли билан бартараф этиш мумкин. Хуллас, Бўка агросервис касб-хунар коллежидидаги бугунги аҳвол барчанин ХХI аср таълим маскани ҳақидаги мавжуд тушунчаларини чиппака чиқармасмикан?

Бу ерда ҳам хозирги ёшларимизнинг «кийиниш усули»га дуч келинишни кутганда. Хайриятки, ўқувчилар кийинишида тартибга ва ўқув машғулотларига қатнашишда давоматни сақлашга эришилган. Коллежда ўқувчиларнинг маънавий-маърифий савиясини кўтариш бора-сида тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва амал қилмоқда. Ўқувчиларнинг замонавий китобларни мутотала қилиш борасидидаги қизиқишларига ҳам ҳавас қилса бўлади. Негаки, уларнинг баъзилари, ҳатто, ўзбек тилига ўғирилмаган хориж адабиётларини ўқишга ҳам улгуришган. Илм масканида таълим олаётган ёшлар 2001 йилда «Сиз тарихини биласизми?» кўрик-танловида вилоятда биринчи, «Замонамиз ёшлари» танловидида иккинчи ўринни қўлга киритишган.

Устозлар меҳнати фидойиликка тенглаштирилади. Шунинг учун халқимиз уларни улғулар сафига қўшиб, эъзозлайди. Букалик мураббийлар ҳам замона руҳига мос ташаббускорлик билан фаолият юритишса, сал вақт ўтиб, ишлар юришиб кетиши ҳеч гапмас. Зеро, имкониятлар эшиги ҳоҳиш-истаги борларга доимо очик.

Янги давр замонага мос, етук кадрлар тайёрлашни талаб этаётир. Бу долзарб вазифа эканлиги маълум. Омад эса доимо ўзи билан басма-бас одимлаганга қулиб боқади. Умид қиламизки, вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими ривожланишига бевосита алоқадор бўлган мутасаддилар юқоридаги ҳолатларни иложи борица ижобий ҳал этишга ўзларида куч ва имконият топа оладилар.

Воҳид БОЙМУРДОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Виртуал ипак йўли — амалда

Бугунги кунда жамият ҳаётининг бирор бир соҳаси жаҳон ахборот ҳуқуқига уланмаган ҳолда тўлақонли ривожланиб олмайди. НАТО Илмий қўмитасининг «Виртуал ипак йўли» лойиҳаси Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари фан ва таълим муассасаларида Интернетдан кенг фойдаланиш имкониятини берибди. Лойиҳани амалга оширишнинг техник жиҳатлари Тошкентда бўлиб ўтган халқаро конференцияда муҳокама қилинди.

У Ўзбекистоннинг фан ва таълим тармоғи UzSciNet, «ЎзИнфоКом» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш маркази ва Фанлар академияси томонидан ташкил этилди. Анжуманда Марказий Осиё республикалари, Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Россия ва Голландия мутахассислари иштирок этди.

«Виртуал ипак йўли» лойиҳаси икки йил аввал бошланган бўлиб, замонавий ахборот технологияларини воситасида бутунжаҳон ҳамкорлиги юзасини амалга оширади. Бу лойиҳага ҳаммаси бўлиб 2,5 миллион АҚШ доллари сарфлаш режалаштирилмоқда, бу эса НАТО Илмий дастурининг компьютер тармоқлари бўйича бюджетининг қарийб 40 фоизини ташкил этади. Лойиҳада иштирок этаётган давлатлар орасида Ўзбекистонда биринчи бўлиб йўлдош алоқа канали яратилди. Энди у олатдаги тартибда ишламоқда ва бу UzSciNet нинг тармоғи орқали Фанлар академиясининг барча институтларини, қўпгина олий ўқув юртиларини ҳамда қатор коллеж ва мактабларни интернетга улаш имконини берибди. Лойиҳа Грузияда ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бироқ лойиҳада иштирок этаётган бошқа мамлакатларда йўлдош каналга тўғридан-тўғри уланмишга ҳалал бераётган баъзи техник қийинчиликлар борлиги аниқланди. Конференция қатнашчилари муаммонинг асосий сабаби миллий фан ва таълим тармоқларининг етарлича ривожланмаганида эканлигини таъкидлашди.

А. ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири.

Янги маҳсулотлар

Ангренидаги «Саноат-қалинкорғозсавдо» очик акциядорлик жамиятида янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, фойдаланилаётган хом ашёларни маҳаллийлаштириш бўйича ишлар давом этмоқда. Бу ерда гугурт қўтичалари тайёрлаш йўлга қўйилди.

КРАХМАЛ, ГУГУРТ ҚЎТИСИ...

Бу республикамиздаги гугурт ишлаб чиқарувчи жамоалар учун айти мудабо бўлди. Улар қўтичаларни четдан олиб келиш ташвишидан халос бўлдилар. Жамият ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хом ашёлардан крахмални ҳам импорт қилишга ҳолат қолмади. Уни тайёрлаш бевосита корхонада ўзлаштирилди. бунинг учун зарур асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Маккажўхорини қайта ишлаб олинаётган крахмал ўз хусусиятлари жиҳатидан энг юқори талабларга ҳам жавоб беради.

Собир ҲАМИДОВ.

Қўшма корхоналарда

«ЧИРКОМ»: ЯНГИ АТС

Чирчиқда қатор қўшма корхоналар ишлаб турипти. Улар асосан ички бозор учун зарур бўлган кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқармоқда ва шашарликларга турли хизматлар кўрсатапти.

«Чирком» қўшма корхонаси ҳам уларнинг бири бўлиб, барқарор ишламоқда. Германиялик ҳамкорлар билан биргаликда барпо этилган бу корхона жамоаси чирчиқликларга рақамли телефон алоқаси билан хизмат кўрсатмоқда. Алоқачилар иш ҳажмининг муттасил кенгайтириб боришга, сифатини яхшилашмоқда. Хар йили катта-кичик янги автоматлашган телефон станциялари қурилмоқда. Эскиларини эса қайта тасмирламоқдалар.

Жамоа зиммасидидаги вазифаларни ўрнига қўйиб бажармоқда. Шу туфайли режалар ой сайин тула ва ошариб адо этиляпти. Жорий йилдаги меҳнат ютуқлари ҳам дуруст бўлмоқда. Ўтган даврда катта ҳажмда ишлар амалга оширилди. Қўшма корхонанинг абонентлари сони эса қарийб 25 минг 700 тага етди. Қатор янги автоматлашган телефон станциялари ишга туширилди. Шаҳардаги 8, 9 ва 10-дахалар аҳолиси телефон алоқаси ёмонлигидан шикоят қиларди. Корхона жамоаси шуни ҳисобга олди ва имконият туғилиши билан бу ерда қисқа муддатли янги телефон станциясини қуриб, фойдаланишга топширди. 500 рақамли бу АТС дахаларда истикомат қилувчиларга хизмат кўрсата бошлади. Худди шундай қувватли янги бир станция Бўстонлиқ туманидаги Чимён дам олиш минтақасида ҳам бунёд этилди.

Шаҳарга қарашли Троицк даҳаси аҳолисига қўрсатилган телефон алоқаси хизмати талабга жавоб бериб қолган эди. Мавжуд станцияни кенгайтиришдан муаммони бартараф этиш мумкин эмасди. «Чирком» раҳбарияти бу ерда қўшма қувватларни ишга туширишга киришди. Шу ердаги АТСни қўшимча минг рақамга кенгайтириш юзасидан савий-ҳаракатларни жадал бошлаб юборди ва у яқин кунлар ичиди ишга тушди. Алоқачилар оилалар учун «аниқ вақт хизмати»ни ҳам йўлга қўйишмоқда. Чунинчи, яқинда шаҳарнинг юқори қисмидаги мижозлари бундан фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Улар муайян рақамни бораб, вақтини аниқ билиб олишлари мумкин. Телефон алоқаси хизмати қўрсатишдаги бу янгилик шаҳарнинг бошқа дахаларида ҳам жорий этилади.

Шокир ТЎҒОНОВ.

РАҲБАР БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

ги, аксинча, тарихнинг кескин бурилиш нукталарида демократик бошқарувни қўллаш қутилган натижани бермаслиги мумкин.

Хўш, бизнинг сир-саноатларига тўла зиддиятли давримизда раҳбарлар қайси услубни қўлласалар, кўпроқ самарали бўлади?

Фикримизча, раҳбар ҳар қандай шароитда ҳам биринчи навбатда адолат қонунларига таянмоғи лозим. Сиёсий етуқлик ҳам катта аҳамият касб этади. Ўз вақтида атоқли француз адими Оноре де Бальзак: «Жамият кескин ўзгаришларга тоқат қила олмайди», деган фикрни билдирган эди.

Халқ кўп ҳолларда жамият равижи учун аҳамиятли бўлган ғояларнинг моҳияти-

Раҳбар қўли ақлий салоҳият, одамларни ўз ғояларига ишонтириб, ўзига эргаштириш олиш қобилияти ва адолатпарварлик, бурчга садоқат, камтарлик, ҳалоллик, халқпарварлик, қатъиятлик каби маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлиши керак.

Агарда раҳбарларимиз хозирги кунда сиёсий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам фуқароларга намуна бўлсалар, халқнинг жамиятда олиб бориладиган ислохотларга бўлган ишончи янада қучаяр эди. Зеро, Шарқ менталитети ҳос бўлган жиҳатлардан бири — бу халқимизнинг раҳбарларга бўлган чексиз ишончи, садоқатидир. У раҳбардан кўп нарсани кутади. Бундай ишончнинг оқлаш учун раҳбарларимиз шарқо-

барлик маънавиятига ҳос бўлган дурдоналаридан намуналар келтирамиз. «Адолатпарварлик» деганда биз давлатнинг шиорини «Рости — русти», яъни «Куч — адолатда» деб билган ва бир умр ана шу ғояга содиқ қолган улуг саркарда, давлат арбоби, адолатли ҳукмдор Амир Темурни ёдга оламиз. «Бизнинг қудратимизни кўрмоқчи бўлсангиз, биз солган иморатларга назар ташланг», деган улуг бобоимиз тақдирни азал ҳукми билан қай ерни забт этган бўлсалар, уша ерда биринчи навбатда қулларни ва аёлларни озод қилиб, иморатлар, бинолар барпо этганлар. Ушбу гапларнинг тасдиғини биз «Темур тузуқлари»да ҳам ўқиймиз:

юзасидан ҳукм чиқардим. Хар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприқлар қуришни буюрдим. Очик юзлилиқ, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқ бўлишга интилдим. Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал. Адлу эҳсон билан жаҳон гулшини обод бўлади». Амир Темур даври маънавияти ниҳоятда юксак бўлган. Мовароннахрга чет эллардан қўллаб сайеҳлар, савдогарлар, элчилар ташриф буюрар эдилар. Бир куни

каклар учун уят, иснод ҳисобланарди. Шу кўчадан ўтиб кетаётган истаган эркак бу идилларни сув ва ўтм билан тўлдириб қўйишни бурчи деб биларди.

Қадрларни ўрнига қўя билмиш, танлаш, керакли мутахассисларни тарбиялаш хозирги кунда долзарб вазифадир. Ҳукуматимиз ҳам ёшларни бошқарув лавозимларида кўпроқ жалб этиш сиёсатини қўллабди. Билимли, интилувчан, гайрат-шижоатли ёшларимиз кўп, аммо уларга кўп ҳолларда айнан йиллар синовидан ўтган тажриба, малака етишмайди.

Тошкент вилоятида бу муаммони ечиш борасида анча салмоқли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу

Асосий Қонунизмизни ўрганамиз

«98-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича қиради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарлиқни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидagi барча органлар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси — Ўзбекистон Республикасининг ҳукумати — иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунларнинг ижро этилишига, Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарлиқни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан республикада ижро этувчи ҳокимиятнинг амалга оширилиши тўғрисидаги конституцийвий қоида ҳукумат мақоми, унинг алоҳида ҳуқуқлари, таркибини, қонун чиқарувчи органлари, ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари тартибини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ҳукумат Президент, Олий Мажлис ва судлар билан бир қаторда, уни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш асосида давлат ҳокимиятини амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган ҳўжалик бошқаруви тизимларига бошчилиқ қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан ишлашини таъминлайди.

Ҳукумат ижро этувчи органлар томонидан қонун ҳужжатларининг бажарилишини мунтазам назорат қилади, йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўради.

Вазирлар Маҳкамаси республикада яшовчи барча миллиятлар манфаатларини ҳисобга олиш учун ўз фаолиятини ошқоралиқ, инсонпарварлик ва қонунийлик асосида олиб боради.

Ўзбекистон Республикасининг



Президенти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи бўлиб ҳисобланади. Президент ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда унинг ўз ваколатларини самарали амалга ошириши учун чора-тадбирлар кўради.

Вазирлар Маҳкамаси таркибига Бош вазир, унинг ўринбосарлари, Вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви бошқа тузилмаларининг раҳбарлари қиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томо-

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларига раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради, Ўзбекистон Республикаси қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ушбу Конституциянинг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири фармойишларини бекор қилишга ҳақли.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади».

ҚОМУСИМИЗ — БАХТИМИЗ

нидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркибига қиради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодий монополиядан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмни рўёбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратди, ҳўжалик юритишининг янги шакллари барпо этишга ва мустақамлашга кўмаклашади; Ўзбекистон Республикасида пул ва кредит тизимини мустақамлаш чора-тадбирларини кўради; молиявий кредит ва пул сисмасини ишлаб чиқади, ягона нарх сисмасини ўтказиш, меҳнат ҳақи миқдори ва ижтимоий таъминот даражаси борасида белгиланган қарорларни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа давлат бошқаруви органларининг ишини мувофиқлаштириши ҳамда йўналтиради. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари билан ҳўжалик бошқаруви органлари тўғрисидаги Низомлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. У вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бошқаруви органлари сони ҳама таъминоти учун ажратмалар миқдорини белгилайди, бошқарув идоралари тизимини такомиллаштириши.

Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмиталарининг ҳукумат фаолияти масалаларига доир тавсиялари ва тақлифларини кўриб чиқади ва улар юзасидан чора-тадбирлар кўради, кўриб чиқиш натижалари ҳақида Олий Мажлисинг тегишли қўмиталари ва комиссияларига ахборот беради. Депутатлар ёки депутатлар гуруҳи сўровларига ҳукумат ёки ҳукумат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишларида уч кундан кеч бўлмаган муддатда озаки ёки ёзма жавоб беришга мажбурдир.

Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпо-

ғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик қилади, унинг ахборотларини эшитади. Узининг ваколатига кирувчи масалалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тақлифларини кўриб чиқади, Қорақалпоғистон Республикаси ҳўқуқларига риоя этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколати доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид бўлган қарорлари ва фармойишларининг ижро этилишини тўхтатиб қўйиш ҳўқуқига эгадир.

Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг ишини ташкил этади, ўринбосарлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди.

Республика Президенти топшириғи билан Бош вазир халқаро муносабатларда Ўзбекистон ҳукумати номидан иштирок этади, ҳўкуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди, бошқа масалаларни ҳал қилади.

Бош вазир бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини биринчи ўринбосар бажаради.

Бош вазирнинг ўринбосарлари вазифалар тақсимотида мувофиқ туркум тармоқларга раҳбарлик қиладилар ва улардаги ишларнинг аҳоли учун жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамаси доимий комиссиялар тузади ва уларнинг вазифалари, функциялари ҳамда фаолияти тартибини белгилайди. Давлат ва ҳўжалик бошқарувининг алоҳида масалалари бўйича тақлифлар тайёрлаш учун Вазирлар Маҳкамасида унинг бошқа ишчи органлари ҳам тузилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси ўзи қабул қилган қарорларининг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва ҳўжалик бошқаруви тизимлари орқали назоратни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий характерга эга қарорлари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлар тўпламида нашр этилади, зарур бўлган ҳолларда эса оммавий ахборот воситалари орқали оммага маълум қилинади.

Эргаш САЙТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги бошқарма
бошлиғининг ўринбосари, 2-
даражали адлия
маслаҳатчиси.

Шундайлар бор бўлсин

ОФТОБОЙИМНИНГ СИНГЛИСИ

Дилбар адабиётчи Абдулла Кодирийнинг «Ўтган кунлар» романида Қумушбойнинг ҳолиси борлиғи тўғрисида ҳеч қандай маълумот берилмаган. Лекин Розахонимни шўк бора кўрган одам: «Хойнаҳой, бу киши Офтобойимнинг синглиси бўлса керак», деб ўйлайди. Чунки Розахоним ҳам айнан Офтобойим каби ҳокисор, меҳрибон, рўзгор-парвар ва энг муҳими — садокатли, болам-чақам деб яшайдиган ўзбек аёлларининг муштарак тижмолидир.

Кўнгилда уйғонган илк таассурот бежиз эмаслигига Розахоним оиласини яқинроқ таниганингиздан сўнг яна бир бора ишонч ҳосил қиласиз. У киши 1928 йилда Наманган шаҳрида туғилган. Биласиз, Наманган билан Марғилоннинг орасида мавжлаиб оқаётган Сирдарё бор, холос. Боз устига, Офтобойимнинг ўзлари ҳам Марғилонга — Мирзакарим қўтидор хонадонига Намангандан келин бўлиб тушган бўлиши ҳам мумкин. Тўғрими?... Зўжко газетхон дарҳол ўзича хомчўт қилиб, Офтобойим билан Розахонимнинг ёшлари ўртасида хийла тафовут борлигини аниқлайди-ю бизга эътироз билдиришга шайланади. Бизнингча, бундай «фактик» эътироз ноўрин бўлса керак. Негачи, «Ўтган кунлар»дек ўлмас асар ҳам, унинг қаҳрамонлари ҳам аллақачон вақт синовларидан мардонча ўтган — энди улар вақтдан ташқарида яшайди. Бинобарин, улар нисбийликнинг бекиёс қисқисидир. Агар ўқур ҳаёлот учун ҳам ҳўжжат сўраладиган бўлса, Розахонимнинг баракали ҳаёти ташқаридан «опаси»нинг таржимаи ҳолига ўнчалик ўхшамайди. «Киз бола туғилса, ўчоқ боши суянади» деган мақол Офтобойим замонасида реал ҳақиқат бўлса, Розахоним яшаган долғали даврда бу мақол ўз кучини йўқотади. Ҳамма замоннинг ўзига хос ички қонуниятлари,



анъаналари бўлади. Инчунин, Розахоним фаол ҳаёт кечиради, доим қизгин фаолият билан шуғулланади.

Розахоним 1946 йилда 1-ўрта мактабни битириб, Ўрта Осиё политехника институтининг озиқ-овқат факультетига ўқишга қиради, 1951 йилда муҳандис-технолог мутахассислиги бўйича олий маълумотли бўлади.

1950 йилда Розахоним ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлади — у республикамизда таниқли бўлган Аъзамхон Рустамов хонадонига келин бўлиб тушади. Яъни Ўзбекхон Рустамов билан турмуш қуради. Бу хонадонни таниқли дейишимизга сабаб шунки, 60-70-йилларда Ўзбекистон телевидениесида «Ота-оналар университет»и» деб номланган нўҳотда оммабоп кўрсатув мунтазам равишда телетомошбинлар ҳўқмига ҳавола этилди. Ўша кўрсатувнинг ташкилотчиларидан бири ва узоқ йиллик

бошловчиси, муаллифи — маърифатпарвар инсон Аъзамхон Рустамов эди. Ҳозир ёши бир жойга бориб қолган кишилар А. Рустамовнинг ўқтам товушини, нур ёғилиб турадиган қиёфасини яхши эслайди.



Ўзбекхон ўша йилларда Республика Ташқи ишлар вазирининг муовини сифатида фаолият кўрсатади, илмий изланишлар олиб боради: Хиндистон, Покистон каби мамлакатларнинг маданияти, адабиёт мавзусида йирик рисоалар яратди.

Табиат — боғу бўстонлари билан гўзал, шириншаклар мевалари билан тоғли. Оиланинг гўзаллиги эса фарзандлардир. Розахоним билан Ўзбекхон оиласида ҳам бири-бирини ширин фарзандлар дунёга келади: Гўзалхон, Лолахон, Хилолахон, Ниғорахон, Ниҳолхон. Фарзандлар гўё чаманзордан саралаб олинган гулдастага ўхшайди. Жаноб пайгамбаримиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалам ўзларининг ҳадиси шарифларида учта, иккита, ҳатто, битта кизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган ота-оналарга ҳўжиратда жаннатдан жой ваъда қиладилар. Беш нафар кизни замонанинг етук ва-

киллари, олий маълумотли мутахассис этиб, ўзларига муносиб хонадонларга узатган, одобли наби-ралар кўрган ота-оналар ҳам, иншооллоҳ, энг катта савоб олган зотлар сира-сига қиради.

Агар сиз ҳам қузнатган бўлсангиз, азиз газетхон, қиз болалар вояга етаетган хонадонда ўзгача бир файз бўлади, саранжом-саришталик, шинамлик ҳўкм суреди. Розахоним хонадонни ҳам турфа гулларга бурканган чаманзорни эслатади. Фақат бу хонадонга таширф бюрган кишиларнинг эмас, балки Ўзбекхон билан Розахонимни кўча-кўйдами, меҳмондорчиликдами, бирга-бирга юганини, бир-бирига илтифот қилиб ўтирганини кўрган кишининг кўнгилда ажиб бир ёруғлик пайдо бўлади: «Туф-туф, кўз тегмасин», деб беихтиёр ёқангга туғлаб қўясан, киши. Ваҳоланки, уларнинг турмуш қурганига 53 йил бўлган. 53 йил дегани фақат айтишга осон — бу 19370 кун дегани! Шу ўринда халқимиз орасида кенг тарқалган бир лати-фа эслатиб ўтилса, майингина жилмайиб қўйишингиз турган гап: келин-куёв саккиз йил бирга яшабди. Уларнинг турмуш қурганига роппа-роса саккиз йил тўлган оқшомда келин: «Адаси, мени табриклимайсизми?» дейди нозлиб. «Нима учун?» деб сўрайди тишини-тишига босиб юрган куёв. «Бой, ахир, бутун тўйимиз бўлганига саккиз йил тўлди-ку!». Куёв эса тескари томонга ағдарилиб: «Эси, ўшанда сени учратмаганимда, ҳозир бемалол ухлаб ётган бўлардим», деб ўйлайди пешонасига шاپатлаб. Бунақаси ҳам бўлиши мумкин.

Шўнинг учун ҳам Ўзбекхон бобо билан Розахонимнинг ҳамон бир-бирига меҳрибонлигини кўриб, фақат ҳавас қилиш керак. Боя айтганимиздек, беихтиёр ёқангга туғлаб қўясан, киши.

Розахоним ҳамон тиниб-тинчимади, наби-раларига бош-қош, фарзандларига ўғилларини аямайдилар. Қўтулғ ёшингиз муборак бўлсин, онахон.

Набижон БОҚИЙ,
Анварбек ҲАЛИЛОВ.

Жасорат машқлари



МАРДЛИК ВА МАҲОРАТ ЁНМА-ЁН

Пойтахтдаги Навоий номли миллий боғда Фавқуллода вазиятлар вазирлиги бўлиналарининг навбатдаги кўргазмали ўқув машқлари бўлиб ўтди. Махсус либосли мутахассислар ёнаётган бино томидаги одамларни қўчириш, харобалар остида қолган кишиларни қутқариш, қимёвий иншоотдаги ҳалокат туғйли хавфли вазиятда қолган кишиларни хавфсиз қўйга олиб ўтиш машқларида жасорат ва мardлик билан бирга юксак маҳоратларини намойиш этидилар.

Вазирлик ходимлари Туркиядаги қутқариш ишларида, шунингдек, АКШ, Исландия, Руминия мамлакатларида ўқазилган ўқув машқларида фаол қатнашиб, катта тажриба ортирганлар. Шу йилнинг ўзида 4 мингдан зиёд ходиса ва вазиятлар чоғида ўғлаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолдилар.

СУРАТЛАРДА: ўқув машқларидан лавҳалар.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.



Бўстонлиқ тумани суд ижрочилари бўлинмаси

Сизларни 2003 йил 15 ноябрь куни соат 11.00 да Бўстонлиқ тумани жиноят ишлари бўйича суд биносиди бўлиб ўтадиган кимошди савдосига таклиф этади.

Савдога қуйидагилар қўйилади:

1. «РАФ-2203-01» микроавтобуси, техник соз.
2. «РАФ-2203» микроавтобуси, техник соз.
3. «МАЗ» автокрани, техник соз.
4. «ГАЗ-52» автомашинаси, техник носоз.
5. «Москвич-412» автомобили, техник носоз.

Аризлар ҳафтанинг шанба-якшанба кунларидан ташқари ҳар куни Бўстонлиқ тумани жиноят ишлари бўйича суди биносининг 9-хонасида соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.

Кимошди савдосида иштирок этувчилар ўзи сотиб олишга истак билдирган автотранспорт воситасининг 10 фоизлик қийматини олдиндан тўлаши шарт.

Мурожаат учун телефон: (8.274) 21-806.

Манзил: Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 1-уй.

Жиноятга жазо муқаррар

ПАХТАФУРУШЛАР

Лекин, афсуски, вилоятининг меҳнатга яроқли аҳолиси ўзларининг фуқаролик бурчларини тўғри англаб, масъулиятни қўқур ҳис этиб, юртимизнинг асосий бойлиғи бўлган пахта хом ашёсини нес-нобўд қилмай, тезроқ саранжомлаб олишдек муҳим ўмумхалқ ҳаракатига муносиб ўлуш қўйиш учун жонбозлик кўрсатаётган бир пайтда айрим нопок кимсалар ўзларининг шахсий манфаатларини ўғлаб, қўпчилиқнинг ризқини қийиб мўмай даромад ортириш мақсадида ана шу бойлиқни қинғир йўллар билан республика ташқарисига олиб чиқиб сотишга уринмоқдалар. Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Вилоят ҳокимининг 2003 йилги пахта ҳўчилининг талон-тарож қилиниши, республика ташқарисига олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш тўғрисидаги фармойиши жойларда амал қилмоқда. Хусусан, ҳўқуқни муҳофаза қилиш идоралари, чегара қўшинлари ва божхона хизмати ходимларидан тузилган махсус назорат гуруҳлари ўз зиммаларига юкланган вазифани серғаклик билан адо этмоқдалар. Шу боис пахта хом ашёсини республикадан олиб чиқиб кетиш учун қўшни давлатлар фуқаролари билан шерикчилик қилаётган маҳаллий аҳоли вакилларидан иборат уюшган жиноятчи гуруҳлар хатти-ҳаракатларининг вақтида пайи қирқилмоқда.

Масалан, Янгийўл туман «Қовунчи» ширкат ҳўжалиги ҳудудидagi Овошной кўчаси 1-уйда яшовчи, ҳеч қандай ишаламайдиган З. Хусниддин исмли кимс ўзига тегишли «ГАЗ-53» русумли, давлат белгиси 11 N 64-33 юк автомашинасида 1600 килограмм пахта «Янгийўл» ширкат ҳўжалиги орқали Қозғистон Республикасига олиб ўтишга уринган пайтда қўлга олинди. Текширув чоғида ушбу пахта Х. Турсунқулов номли ширкат ҳўжалиги Эркин қишлоғида яшовчи, ҳеч қарда ишламайдиган Т. Зулхумор исмли аёлга тегишли эканилиги маълум бўлди. Ҳозир шу масала юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб боришмоқда.

Янгийўл туманидаги Н. Ниёзов номли ширкат ҳўжалигининг Дангир маҳалласида яшовчи, вақтинча ишсиз А. Мирзабек исмли шахс Янгийўл шаҳрида яшовчи қайдоғчи Я. Мироди билан жиноий тил бириктириб, тахминан 800 килограмм пахта «ГАЗ-53» русумли, давлат белгиси 11 AS 490 юк автомашинасида Бобур номли фермер ҳўжалиги орқали Қозғистон Республикасига олиб ўтишга уринганида туман ички ишлар бўлими, божхона ва чегара хизмати ходимларидан иборат махсус гуруҳ томонидан далилий ашёлар билан қўлга туширилди. Ҳозир ушбу ҳолат

Таъкидлаш жоизки, пахта хом ашёси талон-тарож қилиниши ва республика ташқарисига олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш фақат ички ишлар, чегара ва божхона хизмати ходимларининг вазифаси эмас. Зеро, республика ҳукуматининг янги қароридида вилоят ва туман ҳокимлари пахта хом ашёсининг ўғирланиши, талон-тарож қилиниши ва мамлакат ташқарисига олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш ишларининг аҳоли учун шахсан жавоб беришлари алоҳида таъкидланган. Шўнингдек, ушбу қарор ширкат ҳўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ходимлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юқлайди. Хусусан, Чиноз, Покент, Бўка, Бекобод туман ҳўқимликлари, фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталари фаоллари махсус назорат гуруҳлари ходимларига амалий ёрдам кўрсатишлари зарур. Ана шунда вилоятимиз пахтакорларининг машаққатли меҳнатлари билан этиштирилган ўмумхалқ бойлиғи — пахта хом ашёсининг талон-тарож қилинишига мустаҳкам тўсиқ қўйилади.

Шерали АНВАРОВ,
вилоят ИИБ матбуот
гуруҳи инспектори.
Аббасмад ЙўЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҒОЛИБЛАРГА —

«МАТИЗ» ва «ТИКО»

Ўзбекистон қурортлар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамкорлиқда Наманган вилоятидagi «Чортоқ» санаторийсиди «Ҳамшира-2003» қўриқ-танловини ўтказди.

Унда қатнашган Қибрай туманидаги «Умид гулшани» санаторийси ҳамшираси Саодат Ғоюпова ва «Бўстон» санаторийси ҳамшираси Лайло Абдуҳамидова билим ва тажрибаларни ҳар томонла-

ма намойиш этиб, ғолибликни қўлга қиритишди. Улар қўриқ-танловнинг бosh мукофотлари — «Тико» ва «Матиз» автомашиналари билан тақдирландилар.

Иброҳим САИДОВ.

КУЗ ГУЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида илк бор "Ландшафт дизайни. Кўз-2003" — гуллар кўргазмаси ташкил этилди.

Уни Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бадий академия, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда пойтахтимиздаги "GAZON MARKAZI" корхонаси билан ҳамкорликда ташкил этди.

Ландшафт дизайни жаҳон, айниқса, Европа ва АҚШ боддорчилиги ва гулчиликда санъат даражасига кўтарилган. Бу борада юртимизда ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Кўргазма мазкур соҳадаги муваффақиятларни кенг намойиш этиш, илмий ишланмалар ва турли инновация лойиҳалари билан ҳамкорларни яқиндан таништириш мақсадида ўтказилмоқда.

Ў.А.

"Жаз вакиллари" Тошкентда

Ўзбекистон давлат консерваториясида америкалик музикачилар — Адам Клиппл ва Дэвид Амброзио — "Жаз вакиллари" дастури доирасида мамлакатимизга иккинчи ташрифидир. Концерт дастури АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда ушбу мамлакат Давлат департаментининг Таълим ва маданият масалалари бюроси томонидан ташкил этилди.

Пианиночи ва бастакор Адам Клиппл ва Дэвид Амброзио — "Жаз вакиллари" дастури доирасида мамлакатимизга иккинчи ташрифидир. Концерт дастури АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда ушбу мамлакат Давлат департаментининг Таълим ва маданият масалалари бюроси томонидан ташкил этилди.

Мақсадимиз жаз орқали турли маданиятларни бир-бирга яқинлаштириш, Америка жазининг хусусиятлари ва хилма-хиллигини очиб беришдир, — деди Адам Клиппл журналистлар билан суҳбатда. — Концерт дастури Лотин Америкаси оҳанглари услубидаги жаз асарларини ўз ичига олади. Уларда конго, бонго, тимбале, бета, чекере, сюика, беринбау ва табла каби думбиралар алоҳида ўрин тутди.

Ў.А.

Мен обуна бўлдим. Сиз-чи?



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га
обуна бўлишни унутманг!

Шу кунларда 2004 йил учун газета ва журналларга обуна тўплаш қизгин давом этмоқда. — Мен «Тошкент ҳақиқати» газетасини кўп йиллардан буён мунтазам олиб келаман, — дейди Тошкент туманидаги Охунбобоев номидаги ширкат ҳўжалиги тарих музейининг раҳбари Йўлдош ота Гафуров. — Уни бутун оиламиз билан қизиқиб ўқиймиз. Савимли газетамга 2004 йил учун ҳам обуна бўлдим. Уйлайманки, у яна ҳам қизиқарли бўлиб боради.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Бизнинг
индекс —
205.

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Пойтахтимиздаги "Бунёдкор" ёшлар телеклубида Бобур хайрия жам-фармаси раиси Зокиржон Машрабов билан учрашув бўлиб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида Президентимиз Ислам Каримов хорижда осойиш топган

бобокалонларимиз, хусусан, хоки Афғонистон заминига дафн этилган Алишер Навоий ҳазратларининг қабрини ободонлаштириш ташаббуси

билан чиққан эди. Бобур жамғармаси саъй-ҳаракати билан уюштирилган махсус илмий экспедиция аъзолари яқинда Афғонистон сафаридан қайтди. Учрашувда мазкур экспедиция раҳбари

Ў.А.

Ҳикоя

— Ойжон, бунча ҳорғин кўрмасиз? Кўш тинади, сиз тимайсиз. Ахир, одам ўзини ҳам уйлаши керак-да...

Туйғунжоннинг куйди-пишдилиги Хайринисо холанинг руҳини кўтарди. Яхшиямки, пешонасида шундай ақл-идроқли дилбанди бор. Султонга қолса, хотинини онасидан устун қўйиб, унинг кекса дилига қанчалар озор етказмади, дейсиз. Бу озорларнинг ниҳояси йўқ, аммо, оназор элу юрт, фарзандлари, яхши-ёмон олдидан кенжа келинининг айбини яширади.

— Болам-а, бир жойда ўтириб бўладими шу замонада? Қимирлаган кир ошар, дейдилар. Томиримда иссиқ қоним гўлгўл турсан экан, қимирлаганим маъқул. Бундан қайғуриш ўрнига қувонишни керак.

— Ахир, сизам бошқа тенгқурларингизга ўхшаб меҳмонда-меҳмон қақчақлашиб юришингизни, бирни ечиб, бирни кийишингизни, давраларингизни тайёрлаб туринг, ҳой ойи, сут пишириб туринг...

Хуллас, қайнона билан келинининг бурчлари алмашган. Дилноза ота-онасининг кенжатоғи, беш ўғилдан кейинги арзанда қиз эмасми, Хайринисо холанинг эшигига келгандан кейин баттар эркаклар орди. Султон орийатли, қатъиятли ака-

лин ошхонада эди, секин... Туйғун ошхона тарафга ошқора нафрат билан нигоҳ ташлади. Тағли-туғли оиладан деб шу Дилнозани келин қилишганди, мана, оқибат.

Келинпошшо ёш боласини баҳона қилиб, пешингача пашшага таланиб ётгани етмагандек, Хайринисо холанинг иззатини жойига қўймайди. Илоҳи бўлса, боласининг кир-чиригача боёқши кампирга ювдиради. Оназор тишини тишига қўяди. Нимаям қилсин келинига инсоф, орийат деган нарсалар ёт бўлса?

— Хой, ойи, болага қараб туринг, мен Нозининг олдида чиқиб келай, овқатнинг масаллигини тайёрлаб туринг, ҳой ойи, сут пишириб туринг...

Хуллас, қайнона билан келинининг бурчлари алмашган. Дилноза ота-онасининг кенжатоғи, беш ўғилдан кейинги арзанда қиз эмасми, Хайринисо холанинг эшигига келгандан кейин баттар эркаклар орди. Султон орийатли, қатъиятли ака-

ЎЗИН МАГАН ҚАРЗ

қўйса, одамга алам қилади-да. Айниқса, отасидан қолган кенг ҳовлида кекса онасининг оқочлиги-чи... Шўрлик кампир уззукун меҳнатдан бўшамайди. Са-танг келин ўзини қурортда юргандек ҳис қилса, Султон хотинининг истакларини муҳайё этса... Туйғун уларнинг беорлигидан орланиб кетади. Онасини ўз уйига олиб кетишга ҳарчанд уринмасин, кўндролмайди. Онасига илиниб келтирган тансиқ нарсаларнинг ҳузурини ма-новни текинҳўрлар кўради. Кампир улардан яшириб бирор нарс ермиди?!

Иссиқ ёш кўларининг бирда рўзгор юмушларидан обдон толиққан она ётиб қолди. Кампирнинг юки Дил-

— Ахир, Мунирнинг бир эмас, уч боласи бор. — Э-э, унда ўзингиз қаранг! — тутатди Дилноза. Султон индамади. Нариги хонада ётган она ўғли билан келинининг ўзаро ҳар-хашасини эшитиб, ичидан зил кетди.

Эртаси эрталаб Хайринисо ҳола тугунини кўтариб уйдан чиқди. Унинг рангпар юзидан қони қонган, кўзлари киртайган, миждалари қизарган эди. Ўз уйига сизмаган мушфика биринчи бор кўраётгандек, нигоҳларини нигоҳларига тикиди. «Наҳотки меннинг лошим шу ердан чиқмасам?». Онанинг юраги сесканиб кетди. Султон билан хотини гафлат уйкусида ётишарди.

Она ҳориб-чарчаб катта ўғлиниқига кириб келганида, Туйғун юз-қўлларини ювиб, супага кўтарилаётган эди. Беихтиёр онасини кўриб, турган жойида қотиб қолди. Она ҳам ўз наваб-тида ўғлини кўриб, бўшашиб кетди. Кўзлари тиниб, ерга йиқилаёзди. Яхшиямки, зудлик билан келиб, ўғли суяб қолди. Онасини кўлигидан олиб, супадаги кўрпачага ўтиргизди, орқасига ёстиқ қўйди. Оназор бор кучини тўплаб, дуога қўл очди. Кейин... шилқиллаб ёнбоқига йиқилди. Шу кўйи ўрнидан турмади. Туйғун зир югуриб, онаси теграсида парвона бўлди, аммо турмуш ташвишларидан хориған кекса вужуд ўзини тиклолмади. Хатто, боласининг меҳригиёси ҳам уни ушлаб қололмади. Хайринисо ҳола шу алфозда уч кун ётди, кейин Туйғуннинг хонадонидан вафот этди.

Хайринисо холанинг маърақалари Туйғунникида ўтди. Тугуч ўғил онаси тарк этган ҳовлига ойда бир келиб турди-ю, кейин қадамини узди. Хатто, қариндош-уруғлар Султонникига келмай қўйишди. Муниса ҳам катта акасиникига келиб кетарди, холос. Шунданми, Туйғуннинг уйда бахт-саодат обдон гуркираса, Султоннинг хонадонидан кўл-барака ариб бораверди...

Нигора ШОҒАЙЗИЕВА.

Янги луғат

Иқтисодий тадқиқотлар маркази томонидан иқтисодий таълим ва ривожланиш соҳасидаги лойиҳа доирасида "Иқтисодий атамаларнинг ўзбек, рус ва инглиз тилидаги луғати" чоп этилди. Ушбу луғатни тайёрлашга иқтисод ва филология соҳасидаги таниқли мутахассислар жалб этилди.

Луғат кўп ишлатиладиган 5 мингга яқин иқтисодий атама ҳамда иборани ўз ичига олган. Мазкур иқтисодий луғатнинг ўзига хос томони шундаки, ўзбек тилидаги сўз ва иборалар кирилл ҳамда лотин алифбосида берилган.

Ушбу лойиҳадан қўзланган мақсад замонавий иқтисодий атамаларни тўлиқ ифодалашдан иборат. Мазкур нашр иқтисодиётнинг турли баҳаларида ишлайётган мутахассислар, шу жумладан ташқи савдо соҳаси ходимлари, иқтисодий олий ўқув юртлири ва факультетлари ўқитувчилари, талабалари, тадбиркорлар ҳамда таржимонлар учун мўлжалланган.

Ў.А.

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

ЧИРЧИҚДА ЎЗГИ БИАТЛОН

Чирчиқда ёзги биатлон бўйича республика чемпионати ниҳоясига етди. Мусобақалар давомида спортнинг бу тури ҳам мамлакатимизда тобора оммавийлашаётгани намоён бўлди.

Бунга Жалолиддин Мангуберди номидagi спорт мажмуида кўплаб чемпионат қатнашчилари ва мухлислари йилгидан йилгидан кўпайиб билиш мумкин. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан ёзги биатлон усталари қатнашди. Иштирокчилар сони 50 нафардан зиёд бўлиб, улар орасида эндигина бу спорт турига кириб келаётган ёшлар қатори ёзги биатлон бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида учтадан олтин медалга сазовор бўлган Анна Коробко ва Руслан Носиров сингари маҳоратли спортчиларни ҳам кўриш мумкин эди.

Бахслар давомида мухлислар иштирокчилардан саломлиқ натижаларни кутишганди. Биатлончилар ҳам бутун чемпионат давомида уларнинг

ишончларини оқлашга астойдил ҳаракат қилишди. Йўл қўйилган ҳар бир хато учун ҳакам спортчиға қўшимча айланмиш белгилайдиган уч ва саккиз чакирим масофага югуриш, нишонга отиш — биатлончи учун жиддий синов ҳисобланади. Бироқ синовлардан ўтиб, қўлга киритилган галаба нашидасидан баҳраманд бўлиш ҳар бир ўқувчиға завоқ бағишлайди.

Таъкидлаш жоиз, 18-20 ёшда бўлган ушбу чемпионат иштирокчилари бу тур бўйича ҳам халқаро майдонда йирик натижаларни кўлга киритиш мумкинлигини кўрсатишди. Республика чемпионатида қатнашган вилоятимиз вакили Дилафруз Имомхусанова қизлар ўрта-сида голибликни кўлга киритди.



СУРАТДА: мусобақа қатнашчилари.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ МАЖМУА

Қибрай туманидаги Сирғали маҳалласида Шерали Сафар ва Асли Бойтелесовлар ўз ҳисобларидан спорт мажмуаси бунёд этилди.

Унинг очилиш кунинда Сирғали ҳамда Ёшлик маҳалалари ёш футболчилари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Шу кунги томошага келган мингдан зиёд мухлислар қизиқарли футболдан баҳраманд бўлишди. Ўртоқлик баҳсида Сирғали маҳалласи футбол жамоаси маҳорат бобида устунроқ экан-

лигини намойиш этиб, 3:2 ҳисобида зафар қўчди. Ҳомийлар томонидан уюштирилган "Учрашув тўплари" совринига Зикриддин Эгамбердиев (гилам ва пул мукофоти), "Моҳир жомиячи" совринига Фуқрат Шарифов (пул мукофоти) сазовор бўлишди.

Мурод ВОҲИДОВ.


Паҳлавонлар гиламда

Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуида "Обод маҳалла йили" дастурига биноан маҳалалар болалари ўртасида ўтказиладиган анъанавий "Маҳаллалик паҳлавонлари" республика турнирининг финал мусобақалари бошланди.

Унда барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистондан келган икки юз нафар ўғил-қиз иштирок этмоқда. Турнирда асосан 1989-1991 йилларда туғилган болалар баҳслашмоқда. Мусобақанинг дастлабки беллашувида ёш полвонлар 10 вазн тоифаси бўйича ўзаро беллашди.

Ў.А.

Сканворд



Тузувчи Акрамжон ХУЖАМОВ.

ҚАЙ БИРИ МАЪҚУЛ?

Ривоят қилишларича, Тақдирнинг бениҳоя тенгсиз гўзал, оқила қизи бор экан. Қарангки, унга бир вақтнинг ўзига Ақл, Давлат ва Умид деган йиғитлардан совчилар келишибди. Тақдир қизини қақриб «Қуёв бўлишни ўзинг танла, қайси бири сенга маъқул?» деб сўрабди. Доно қиз ўйлаб туриб жавоб берибди: — Ақл инсондаги энг олижаноб фазилатдир. Ақл ёрдамида дўстни душмандан, ҳушёрни эса девондан фарқлаш мумкин. Лекин Ақлнинг бир айби борки, кишини чалғитиб хатарли йўللарга солиб қўйиши ҳам мумкин.

«Ақллилик балоси» деб бекорга айтмайди.

— Давлат ҳақида нима дейсан?

— Давлат — ишбилармон ва ҳукмдордир. Давлатнинг итоатида кўп нарсалар бор. Бироқ, унда вафо йўқ. Давлат бутун бор, эртага эса йўқ бўлиб кетиши ҳам мумкин. Агар ихтиёрни ўзинга берсангиз мен Умидни танлагайман. Чунки, Умид ҳар қандай ҳолатда ҳам инсондан ажралмайди, вафодорлигидан чекинмай, энг яқин дўст бўлиб қолади, — деган экан оқила қиз.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Кўчада кетаятган қария эшик кўнгиригини қалишга интилайтган болани кўриб сўради:

— Болам, кўнгириқни ча-либ берайми?
— Ха.
— Неча марта босай?
— Беш марта, бобожон!
— Босдим, энди нима қиламиз?
— Қочамиз.

Али билан Вали учрашиб қолишди.

— Кеча қизим юристлар академиясида диплом ҳимоя қилди.

— Менинг ўғлим эса 20 кунда ўзМУни тугатди.

— 20 кунда?!

— Ха. 20 июлда ҳужжат топширди, 10 августда эса ҳужжатини қайтариб олди.

Даврон АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 49-ўрта мактаб томонидан 1994 йилда Пакаянис Наталья Николаевна номига берилган А 426136 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Давлат солиқ инспекцияси томонидан 2003 йил 9 июнда «MANHOOD SAED» шўъба корхонасига берилган 2787-сонли рўйхатга олиш ва-рақаси

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКОЕ ПРАВО

Муассис:
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар
бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-70-10,
136-53-54

Мажмуини:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳриратини компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.